

Дин ва ақл

19:11 / 28.04.2017 5800

ميجرللا نحرللا هللا م سب

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бутун коинотни, ундаги бор мавжудоту махлуқотларни бир яратишда «Бўл!» деган амри ила яратди. Тоғу тошларни – жамодот оламини, дов-дарахтлар, ўт-гиёҳларни – наботот оламини яратди, қолган барча мавжудоту махлуқотларни – ҳайвонот оламини яратди. Ушбу ҳайвонот оламининг яратилиши бир хил бўлди, яъни ҳар бир жонзот ейди, ичади ва ухлайди, ҳаёти бардавом бўлиши учун жисмоний эҳтиёжларини қондириш билан кун кечиради. Бу каби эҳтиёжлар шаръий истилоҳда «шаҳват» дейилади. Демак, ҳайвонот олами фақат шаҳватини қондириш тақозосига кўра яралган. Шунинг учун, инсондан фарқли равишда, уларнинг ақли, онги бўлмагани боис, уларда қилган ишлари учун жавобгарлик йўқ. Шунга биноан, қиёмат куни ҳайвонлар яхши иш қилгани учун жаннатга, ёки ёмон иш қилгани учун дўзахга киритилмайди.

Бунга қуйидаги оятларни далил ўлароқ мисол қилса бўлади:

Маълум муддат ўтгач, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзи яратган мавжудоту махлуқотларнинг гултожиси бўлмиш инсонни лойдан Ўз Қўли билан яратди.

مَوْقِلِ تَايَّالَ لَكَ ذِي فِئْتَانٍ مِّنْ أَعْيُنِ مَنْ يَّرْءَاكُ يَوْمَ تَأْتِي سَائِرًا
نُورًا فَتَيَّ

«Ва сизга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни – ҳаммасини Ўз томонидан беминнат хизматкор қилиб қўйди. Албатта, ана шунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят(белги)лар бордир».

(Жосия сураси, 13-оят).

لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ رَزَقَنَا وَإِنَّا بِلِقَائِهِ كَانُوا هَامِلِينَ
نُؤْتِيهِمْ مِنْ دُونِ الْعَيْنِ وَمِنْ دُونَ ذَٰلِكَ يَخْرُجُونَ

«У Зот сизга кечанию кундузни, қуёшнию ойни беминнат хизматкор қилиб қўйди. Юлдузлар Унинг амри ила беминнат хизматкордир. Албатта, бунда ақл юритувчи қавмлар учун оят(белги)лар бор».

(Наҳл сураси, 12-оят).

عَبَسَ وَهَانَ أَوَسَفَ أَمْ سَلَمَاتٍ لِيَوْمِ الْآزْمِ إِذْ يَقُولُ لِصَاحِبِهِ لَا تَكُنْ مِنَ الْخَائِبِينَ
وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ الْمَمْلُوكِ

«У ер юзидаги барча нарсани сизлар учун яратган, сўнгра осмонга юзланиб, уларни етти осмон қилиб тўғрилаган Зотдир. Ва У ҳар бир нарсани ўта билувчидир».

(Бақара сураси, 29-оят).

Қуръони Каримда бу каби юзлаб оятларни кўриш мумкин. Уларнинг барчасида борлиқдаги барча нарса инсон учун яратилгани ва унга буйсундириб қўйилгани очиқ баён этилади.

Нима учун инсон жамики махлуқотнинг гултожи бўлди?

Бу ўринда икки муҳим нарсага эътибор қаратишимиз лозим. Аввало, улар қай усулда ва нима мақсадда яратилди? Юқорида айтиб ўтганимиздек, борлиқдаги инсондан бошқа барча нарса Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг биргина «Бўл!» деган амри ила яралди. Қуръони каримнинг таъбирига кўра, бунга олти кун вақт кетди. Юқоридаги оятларга биноан эса, буларнинг барчаси фақатгина инсон учун яратилди.

Энди инсоннинг яратилишини мулоҳаза қилсак, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уни бошқа махлуқотлардан фарқли равишда, алоҳида яратди. Уни барча махлуқотлар ичида бирданига яратишга қодир бўла туриб, бундай қилмади, балки уни Ўз қўли ила яратди. Аллоҳ таоло буни аввалроқ фаришталарига эълон қилиб. унга Ўз руҳидан жон пуфлашини ва фаришталар унга сажда қилишлари лозимлигини айтди.

Бу ҳақда Қуръонда бундай дейилади:

هَيِّفْ تُخَفَّ وَهُتَيِّوَسْ اِنِّف (71) نِي طُوْنِم اَرَشَبُّ قُلْ اَخِي نِي اِنِّة كُئِي اَلْمَلِكُ لَبَّرَلْ اَقُوْ ذِي
سِي لَبِّ اِلِّ (73) نُوْعَمُ حَمُّهُ لُكُة كُئِي اَلْمَلِكُ دَجَسَف (72) نِي دَجَّ اَسُّهَلْ اُوْعَقَفْ يَحُوْرُ نِم
تُقَلِّخْ اَمَلْ دُجَّ سَتَنْ اَكَّغَنْ اَمُّ سِي لَبِّ اِي لْ اَق (74) نِي رِفْ اَلْ اَلْمَلِكُ نِم اَنَّا وَرَبُّ كَتَّ سَا
(75) نِي لْ اَعْلَلْ نِم تَنْ كُؤْمُ اَتَّرَبُّ كَتَّ سَا اِي دَيِّ ب

«Эсла, Роббинг фаришталарга деди: «Албатта, Мен лойдан башаряратувчидирман. Бас, уни ростлаб, ичига руҳимдан пуфлаганимда, унга сажда қилиб, йиқилинглар!». Бас, фаришталар барчалари бараварига сажда қилдилар. Фақат иблисгина мутакаббирлик қилди ва кофирлардан бўлди. У Зот: «Эй иблис, Ўз қўлим билан яратган нарсага сажда қилишингдан сени нима ман қилди?! Мутакаббирлик қилдингми?! Ёки олий даражалилардан бўлдингми?!» – деди».

(Сод сураси, 71-75-оятлар).

Демак, инсон бир неча жиҳатлари ила борлиқдаги бошқа мавжудотлардан фарқ қилади:

1. Инсон борлиқдаги яралган барча мавжудотлардан ўзгача равишда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўз инояти ила, алоҳида яратилган.
2. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уни яратишда Ўз руҳидан унга жон пуфлаган.
3. Шундан сўнг барча фаришталарни инсонга таъзим ва тақрим саждасини қилишга амр қилган.
4. Барча мавжудотлар инсон учун яратилиб, унга хизмат қилиш учун бўйсундириб қўйилган.
5. Энг муҳими, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло инсонни Ўзи учун, фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилиш учун яратган.

Бу ҳақиқат Зориёт сурасининг 56-оятда баён қилинган:

نَوُذُبْ عَيْلِ اَلْاِسْنِ اَوَّ نَجْلُ اُتَقَلَّخْ اَمَو

«Жин ва инсни фақатгина Менга ибодат қилишлари учун яратдим».

Шундай қилиб, ер юзида яна бир олам – иноният олами пайдо бўлди. Инсонга ҳам, худди ҳайвонлардаги каби, жисмоний эҳтиёжларни қондириш хусусияти, яъни шаҳватни берилди, бироқ, улардан фарқли ўлароқ, инсонга ақл ато этилди. Инсон руҳоний ҳолатга муҳтож қилиб яратилди.

Бошқача қилиб айтганда, жамодот олами биринчи босқич бўлиб, наботот олами ундан ўсиб-униш хусусияти билан ажралиб туради. Ҳайвонот олами эса, бунга қўшимча тарзда бу икки оламдан шаҳвати ила фарқ қилади. Аммо инсоният олами буларга қўшимча тарзда ақли ва руҳий ҳолатининг хусусияти билан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ҳайвонларда қилинган иш учун жавобгарлик йўқ. Бу борадаги барча масъулият инсоният оламига мансубдир.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло инсонни яратганида уни икки турдаги ҳиссиёт ила яратган. Биринчи тури моддий ҳис-туйғулар бўлса, иккинчиси маънавий ҳис-туйғулардир. Ана шу ҳис-туйғулар ёрдамида инсон ўз ҳаётида дуч келган нарсаларига баҳо беради, интилади, курашади, курсанд ёки хафа бўлади ва ҳоказо.

Моддий ҳис-туйғулар – бу кўз, қулоқ, бурун, оғиз, қўл, оёқ ва жамики аъзои бадан бўлиб, уларнинг вазифаси инсоннинг теварак-атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодислар, жараёнларга гувоҳ бўлиб, уларни таҳлил қилиш учун мияга жўнатишдир. Мисол учун, қуёш, ой, юлдуз ёки бошқа катта жисмлар узоқдан қаралганда инсонга худди қўлда тутиб турса ҳам бўладигандек кичик кўринади. Аммо ақл бу ҳолатни тўғрилаб, ўша предметлар узоқда жойлашгани учунгина кўзга мана шундек кичик кўринаётгани, аслида эса бу жисмлар мисли кўрилмаган тарзда баҳайбат ва улканлигини билдиради. Худди шунингдек, бирон жисм шаффоф идишдаги сувга солинса, синиқ кўринади. Бунда ҳам ақл кўзнинг хатосини тўғрилаб қўяди. Қолган аъзоларнинг ҳам иши шундай.

Демак, ақлнинг вазифаси моддий ҳиссиёт аъзолари унга узатаётган маълумотларни синчковлик билан ўрганиб, уни таҳлил қилиш ҳамда шу

ақлнинг эгасини тўғри йўлга йўллаш экан. Аммо моддий ҳис-туйғу аъзолари узата олмайдиган маълумотларга келсак, бу борада ақл ожиздир. Хўш, моддий ҳис билиш аъзолари узата олмайдиган маълумотлар қандай маълумотлар? Нима деб ўйлайсиз?

Бу – динимизнинг аҳкомларидир! Ҳа, бу диндир. Диннинг ҳар бир ҳолати инсон ақлидан ташқарида бўлиб, бу борада инсон фақат ва фақат бунга иймон келтириши – ишониши, бўйсунуши ва унга таслим бўлиши зарурдир. Зотан, Ислоннинг маъноси таслим бўлиш демакдир.

Инсоннинг маънавий ҳис-туйғулари ҳам шулар жумласидандир. Бошқача қилиб айтганда, бу инсоннинг руҳий ҳолатидир. Чунки руҳ Аллоҳга тегишли бўлиб, бу ҳақда инсоннинг ақли етадиган даражада маълумоти йўқдир. Айти пайтда, бу борада инсон ўзи мустақил равишда маълумот топишининг ҳам имкони йўқ.

Инсон руҳий ҳолатида ҳам нималаргадир эҳтиёж сезади. Аммо, динсиз турли бидъат-хурофотларга қоришиб кетади ёки ундан бутунлай юз ўгириб, маънавий ахлоқсизлик жарига қулайди. Бугунги кунда бу сўзларимизга мисоллар келтириш ҳам ортиқчадир.

Юқоридаги сўзимизнинг тасдиғи учун энг оддий мисолларни келтириш кифоя.

Маълумки, дин беш устунга қурилган: иймон, намоз, закот, рўза ва ҳаж.

Иймон масаласини олсак, унда ҳам энг оддий нарсани мисол қилайлик. Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг исми зоти бўлмиш лафзи жалола –«Аллоҳ» исмидир.

Агар Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло инсониятнинг ҳидояти учун набийлар ва расулларни юбориб турмаганида, уларга дин ҳақида маълумотлар бермаганида, инсон ушбу энг оддий нарсани – ўзини яратган Роббининг исми нима эканини қаердан билар эди? Иймоннинг қолган масалалари ҳақида тўхтаб турамиз. Ер юзидаги барча донишмандаларни бир жойга тўплаб, уларга минг йил, миллион йил имконият берилса ҳам, Роббининг исми «Аллоҳ» эканини топа олмайдилар. Шунинг учун ҳам ер юзида бугунгача қанча сохта ақийдалар, бидъат-хурофотлар, бут-санамлар ўйлаб топилган бўлмасин, уларнинг биронтасида бу дунёни яратган Парвардигорнинг исми Аллоҳ эканини топмайсиз. Бу ҳақда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўз каломи шарифида шундай марҳамат қилади:

مُكْرَمًا قَرَرُوا مُكْرَمًا نَسَحَافًا مُكْرَمًا وَءَانَ بَأْمَسَلِ أَوْ أَرَارَقَ ضَرَّالْ مُكْرَمًا لَعَجَّ يَدُّالْ لَلْ
نِي مَلْعَالْ أَلْبُرُّهْ لَلْ كَرَابَتَفْ مُكْرَمًا لَلْ مُكْرَمًا لَدَاتِ بِي طَلْ م

«Аллоҳ сизга ерни қароргоҳ, осмонни том қилган ва сизларнинг суратларингизни гўзал суратда қилган, сизларга пок нарсалардан ризқ берган Зотдир. Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир. Бас, оламларнинг Робби – Аллоҳ баракотли бўлди».

(Ғофир сураси, 64-оят).

Бу каби маънодаги оятларни Қуръони каримда жуда кўплаб учратиш мумкин. Унинг барчаси бир маънони ифода этади. У ҳам бўлса, бу борлиқнинг яратувчиси, ишларини тадбир қилувчиси борлиги ва барча махлуқотлар У Зотга муҳтожлигини, У Зотнинг Ўзиганина талпиниши, паноҳига қочиши лозимлигини билдиради.

Намозни ҳам мисол қилсак, биргина бомдод намозининг вақти, рақъатларининг адади, кўриниши ҳамда ундаги қироатлару дуоларнинг ўзини олсак, қай бир ақлли киши буни ўйлаб топиши мумкин? Закот ҳам худди шундай. Нима учун нисоб айнан 85 грамм тиллага тенг деб белгиланган? Нима учун мол-мулкнинг айнан қирқдан бир улуши закот қилиб берилади? Нега бундан кам ёки кўп эмас. Рўза ҳам шундай. Нима учун айнан Рамазонда, айнан шу кўринишда рўза тутилади? Нега Рамазондан бошқа ойларда ва бошқача кўринишда бўлса, рўза ҳисобга ўтмайди. Ҳаж ҳам шундай. Нега айнан Маккага бориш керак ва ҳоказо.

Шунинг учун ҳам ақийда уламолари дин етиб бормаган кишилар борасида ҳам шу маъноларни эътиборга олган ҳолда фатволар беришган. Бу фатволарга кўра, дин етиб бормаган жойлардаги одамлар бу борлиқнинг Яратувчиси бор эканини, Унинг бир Зот эканини ҳамда коинотнинг барча ишларини У Зот бошқариб туришини билса, шунинг ўзи кифоядир. Бунда улар Парвардигорини «У Зот» дейдими, «Олий Куч» дейдими ёки «Буюк Онг» дейдими ёхуд бошқача айтадими, фарқи йўқ. Ўзининг тушунчасида шу маънони ифода қиладиган сўз бўлса бўлди. Бундай кишилар аҳли фитрат дейилади. Қиёмат куни улардан иймон, намоз, закот, рўза, ҳаж, савоб-гуноҳ, ҳалол-ҳаром каби инсон ўз ақли билан топа олмайдиган масалалар ҳақида сўралмайди.

Демак, шу фатводан маълум бўладики, инсониятга Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло томонидан дин-диёнат ҳақида ҳеч нарса келмаган бўлганида ҳам, инсон ўзини яратган Роббнинг бор ва бир эканини, барча ишларнинг тадбирини У Зот бошқаришини билиши лозимлиги ҳақида масъул экан.

Бу ва шу каби бошқа мисолларни келтиришдан мақсад диннинг инсон ақлидан ташқари нарса эканини тушунтиришдир. Инсон Аллоҳнинг ёрдамисиз, ўз ақли билан диний масалаларнинг энг оддий ҳолатларига ҳам жавоб топа олмаслигини англатишдир. Инсон динга ўз ақлий қарашларини аралаштирадиган бўлса, уни бузиб қўяди, холос.

Барча ишларини, хусусан диний ҳолатларни ҳам ақл тарозусига қўйиб ўлчайдиган ва шунга кўра хулоса қиладиган ғарбликлар ва уларга тобеъ бўлганларнинг биз мусулмонларни тушунмаслигига сабаб шудир.

Улар дин ишларига ақлни аралаштириш мумкин эмаслигини билишмайди, буни тушунишмайди ва тушунишни ишташмайди. Бугунги кунда ҳал қилиниши лозим бўлган энг оғир, хатарли муаммоларидан бири шудир. Минг афсуслар бўлсинки, бу каби хатарли муаммолар ғарбликларни четлаб ўтмаганидек, биз мусулмонларга ҳам таҳдид солмоқда. Бугунги кунда диний салоҳияти бўлмаётган туриб, дин ишларига аралашаётган кимсалар жамиятнинг қайси табақасига мансуб бўлишидан қатъи назар, хоҳ сиёсатчи бўлсин, хоҳ тижоратчи бўлсин, хоҳ табиб, хоҳ муҳандис, ҳарбий ёки оддий ишчи бўлсин – ана шулар жумласидандир. Хусусан, ижтимоий тармоқларда ўз дунёқарашларидан келиб чиқиб, ўзининг шахсий фикрлари билан диний масалаларда сўз юритаётган, диний ҳолатларга баҳо берадиганлар (булар асосан илмда мустаҳкам бўлмаган ёшлардир) бироз ўзларини тийиб олсалар, ўзлари учун ҳам, қолган мусулмонлар учун ҳам айна муддао бўлар эди. Ҳали сиёсат соҳасида, ҳали тижорат, ҳали оила масалаларида бўлсин, билиб-билмай ўзларича фатволар бериш, шахсий фикрларини баён этиш ҳолатлари кўп учраяпти. Айниқса, «Менимча, мана бундай бўлгани яхшироқ эди» қабалидаги «менимча»лардан сақланиш лозимдир.

Ким бўлишидан қатъи назар, инсон учун дин ишлари даҳлсиз эканини тушуниш лозим. Дин ишларига ақлнинг даҳли йўқлигини, бунга фақат иймон келтириш, бўйсунуш ва таслим бўлиш лозим ва лобуд эканини англаш керак. Айни шу ҳақда ҳазрати Али розияллоҳу анҳудан келган ривоятни имом Абу Довуд раҳматуллоҳи алайҳ ўз «Сунан»ида келтирган:

قَاحِ سِإِى بَأْ نَعِ شَمَّعَ أَلِإِ نَعِ - ثَايَغَ نَبِإِى نَعِى - صَفَحَ أَنْ تَدَحِءَ أَلِإِ نَبِ دَمَّحُمَ أَنْ تَدَحِ
لَفَسَأَ أَنْ كَلَّئِ أَلِإِ نَبِ دَلِإِ نَأَكْ وَ لَأَقِ - هَعِ هَلِإِى ضَرَّ - لَعِ نَعِ رِزِى خِ دَبَّعَ نَعِ
مَلَسُو هَعِ لَعِ هَلِإِى لَصَ - هَلِإِ لَأُؤَسَّرُ تِى أَرْدَقُو هَعِ أَلِإِ نَبِ مَحَمَّسَ لِبِإِى لَوَأُفُخِ لَأِ
هَعِ فُخِ رَهَاطِ لَعِ خِ سَمِى

Алий розияллоҳу анҳу айтади:

«Агар дин ақл билан бўлганида, маҳсининг устидан кўра остига масҳ тортиш тўғрироқ бўлар эди. Ваҳоланки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳсилари устига масҳ қилаётганларини кўрдим».

Чаҳорёрлардан бири ўрни келганида динни ақл тарозусига солиб иш тутишдан қайтаряптилар. Буни яна ҳам қувватлаш учун яна Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Китобига мурожаат қиламиз ва қуйидаги ояти-карималарни топамиз:

أَنْعَمَ سِ أُولُؤُقَى نَأْمُ هَعِ نَبِ مَكْحَلِ هَلِؤُسَرَوِ هَلِإِى لَأِ أُوغْدِإِ نَبِ نَمُؤْمُ لَأِ لَوَقَ نَأَكْ أَمَّإِ
هَعِ قَتَى وَ هَلِإِ شَخَى وَ هَلِؤُسَرَوِ هَلِإِ عَطَى نَمَوِ (51) نَوُحِ لَفُؤْمُ أَمُ هَعِ كَلَّئِ لَوَأُفُخِ لَوَأُ
(52) نَوُؤِئِ أَلِإِ مَ هَعِ كَلَّئِ لَوَأُفُ

«Албатта, мўминларнинг Аллоҳга ва Унинг Расулига ораларида (У Зот) ҳукм чиқариши учун чорланганларидаги гаплари «Эшитдик ва итоат қилдик», дейишлари бўлди, холос. Ана ўшалар – ўзлари зафар топувчилардир. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат этса ҳамда Аллоҳдан қўрқиб, Унга тақво қилса, бас, ана ўшалар – ўзлари ютуққа эришувчилардир».

(Нур сураси, 51-52-оят).

أَمُ وَ هَلِؤُسَرَوِ هَلِإِ قَدَصَوُ وَ هَلِؤُسَرَوِ هَلِإِ أَنْ دَعَوَ أَمَ أَدَهْ أُولِأَقِ بَأَحِ أَلِإِ نَوُنُؤْمُ لَأِى أَرَأَمَ لَوِ
أَمِى لَسَتَوَ أَنْ أَمِى أَلِإِ مَدَاز

«Мўминлар аҳзобларни кўрганларида: «Бу бизга Аллоҳ ва Унинг Расули ваъда қилган нарсадир. Аллоҳ ва Унинг Расули рост сўзларлар», – дедилар. Бу уларга иймон ва таслимдан бошқа нарсани зиёда этмади».

(Аҳзоб сураси, 22-оят).

نَيِّرْفَ الْكُلِّ بِحُجِّي الْعَلَّةِ لَلْإِنْفِ أُولَوْتِ نِإْفِ لَوْسَّرِ لَوَّالِ أُوْعِي طَأْ لُقِ

«Айт: «Аллоҳга ва Расулга итоат қилинг. Агар юз ўгирсангиз, бас, албатта, Аллоҳ кофирларни севмас».

(Оли Имрон сураси, 32-оят).

نَوُعَمَّسَاتٍ مُّتَنَوِّئَاتٍ أَوْ هُنَّ عِزَّةٌ أُولَوْتِ أَلْوَهُ لَوْسَّرَوَّالِ أُوْعِي طَأْ أُوْنَمَّآ نِي دَلَّالِ هِيَ أَيُّ أَيِّ

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилингиз ва эшитиб туриб, Ундан юз ўгириб кетмангиз».

(Анфол сураси, 20-оят).

Ушбу ояти-карималардан юқоридаги сўзимизнинг айна тасдиғини топамиз. У ҳам бўлса, дин ишларига ақлни дахл қилмай, унга иймон келтириш, бўйсунуш ва таслим бўлиш лозимлигидир.

Демак, диний масалаларда келган ҳукмларга фақат таслим бўлиш, бўйсунуш ва эргашиш лозим бўлар экан. Жуда кўп ояти карималарда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айнан мана шу ҳақда марҳамат қилади:

نَوْمَحْرُتٍ مُّكْتَلَعَلِ أَوْقَاتٍ أَوْ هُوَ عِبَّاتٍ فَكَّرَابُ مُمْهَانَ لَزْنُ أُمَّاتِكَ أَدَو

«Биз нозил қилган бу Китоб муборақдир. Бас, унга эргашинглар. Ва тақво қилинглар. Шоядки, раҳм қилинсангизлар».

(Анъом сураси, 155-оят).

نَوْرِكَ دَاتِ أَمَّالِي لِقَآءِ لَوْلَا هُنَّ وَدُنْمِ أُوْعِبَّاتٍ أَلْوَمُ كُبَّرِ نَمُ كَيْ لِي لَزْنُ أُمَّ أُوْعِبَّاتِ

«Сизларга Роббингиздан нозил қилинган нарсага эргашинглар! Ундан бошқа дўстларга эргашманглар. Қанчалар оз эслатма оласизлар-а?!»

(Аъроф сураси, 3-оят).

نَعْمٌ كُذِّبَ قُرْفَتَ لَبْسِ لَ اُوعِبَّتْ اَلْوُوعِبَّتْ اَفْ اَمِ يَ قَتْسُمْ يَطَارِصْ اَدَهْ نَاوُ
نَوُوقَّتَتْ مُكَلَّلَعْلَهْ بْ مُكُاصْوُ مُكَلَّلَذَهْ لِيَبَسْ

«Албатта, бу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашинг. Ва бошқа йўлларга эргашмангки, сизни Унинг йўлидан ажратурлар. Ушбуларни сизга тавсия қилдикки, шояд, тақво қилсангиз».

(Анъом сураси, 153-оят).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу йўлга эргашмаган қавмларнинг нотўғри йўлда эканини таъкидлаб, яна бир қанча ояти-карималарда шундай дейди:

وَلَوْ اَنَّ اَبَّآءَ يَلَعِ اَنِّي فَلَ اَمُّ عُبَّتَن لَبِ اُولَاقُ هَلْ لَلَزْنَ اَم اُوعِبَّتْ اُمُهَلْ لِي ق اِذِ اُو
نُودَتْ هَي اَلْو اَيَّيْ شَن وُلُقِّي عَي اَلْمُهْ وَاَبَّآ نَاكُ

«Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашинглар», – дейилса, «Йўқ! Балки биз ота-боболаримизни нимада топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», – дерлар. Ота-боболари ҳеч нарсага ақли етмаган ва ҳидоятга юрмаган бўлсалар ҳам-а?!»

(Бақара сураси, 170-оят).

اَنَّا كُ وُلَوْ اَنَّ اَبَّآءَ يَلَعِ اَنِّي فَلَ اَن دَجَّ وَا مُّ عُبَّتَن لَبِ اُولَاقُ هَلْ لَلَزْنَ اَم اُوعِبَّتْ اُمُهَلْ لِي ق اِذِ اُو
رِي عَسَل اَب اَدَعِ يَل اِمُهْ وُعْدِي نَا طِي شَل ا

«Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашинглар», – дейилса, «Йўқ! Оталаримизни ниманинг устида топсак, ўшанга эргашурмиз», – дерлар. Агар шайтон уларни ловуллаган олов азобига чақираётган бўлса ҳам-а?!»

(Луқмон сураси, 21-оят).

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ўз нафсини динга юргизган ва ўлимдан кейини учун амал қилган киши ҳақиқий донодир. Нафсини ҳавосига эргаштирган ва Аллоҳга орзулар қилган киши эса ҳақиқий ожиздир».**

نامي إلی بعش (6 / 369)

إِذَا لَقِيَ الْإِمَانُ رِشْلًا وَرِيحًا لَفَرَّ عِيْدًا لِقَاعِ السَّيْلِ «: نَفْسِي يُعْنَبُ نَأْيُ فُسَلِاقِ
عَبَّ نَتَجَّ رِشْلًا يَأْرَادُ وَهُوَ عَبَّتِ رِيحًا يَأْر

Суфён ибн Уяйна раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Яхшилик ва ёмонликнинг ўзинигина биладиган киши оқил эмас. Яхшиликни кўрса, унга эргашадиган ва ёмонликни кўрса, ундан четланадиган кишигина оқилдир».

نامي إلی بعش (6 / 370)

هَرِيغَ بِنْدَسْ حِي وَهَبَنْ ذَبُ فَرْتَعِي لِقَاعِ الْإِنَاءِ أَوْ مَلْعَا «: لَوْ قِيءَ نُونًا أَدْتَعَمَ سَو
هَرِيغَ نَعْدًا لِمَتَّ حِي وَهَادًا فُكِّي وَهَرِيغَ دُنَعِ أَمِي فِدَّزِي وَهِي دَلَّ أَمَبُ دُوجِي وَ

Зуннун Мисрий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Билинглари, ҳақиқий оқил – ўз гуноҳини эътироф этган, бошқанинг гуноҳини ҳис қилган, ҳузуридаги борини бериб, сахийлик қиладиган, бошқанинг ҳузуридагидан зуҳд қиладиган, азият беришдан тийиладиган ва бошқаларнинг азиятини кўтарадиган кишидир».

Шунингдек, бу борада хотимаси мушк бўладиган салафларимизнинг қуйидаги сўзларини ҳам эътиборингизга ҳавола қиламиз:

إِلَّا قِثِيحٍ، خَيْرَاتِ لَوْ أَدْبَلَّ هَبَاتِكِ فِي سِدْقِ مَلِّ رِهَاطِ نَبْرِهِ طَمَلًا كَلْذَلِقِنَ أَمَكِ
مِأَهَابِ الْيَفْوِ، وَوَهْشِ الْبَلْقِ عَالِةِ الْإِلْمَالِ فِي هَلَلِ بَكَرٍ: لِقَاعٌ نَبْعُكَ نَعَانِي وَرُو
نَمِ رِيخِ وَهْفِ وَتَوْهَشِ هَلْقِ بَلْغِ نَمِ، أَمِ هَيْلِكَ مَدَّأَبِ الْيَفْوِ، لِقَعِ الْبَلْقِ وَوَهْشِ الْإِلْمَالِ
مِأَهَابِ نَمِ رِشْ وَهْفِ، هَلْقِ عُهُتِ وَوَهْشِ بَلْغِ نَمِ، هَلْقِ الْإِلْمَالِ.

Имом Тоҳир Мақдисий раҳматуллоҳи алайҳ «Ал-бадъу ват-тарийх» асарида шундай дейди:

«Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Аллоҳ фаришталарни шаҳватсиз, ақл билан яратди. Ҳайвонларни ақлсиз, шаҳват билан яратди. Одамзотни эса шу иккиси билан яратди. Бас, кимнинг ақли шаҳватидан ғолиб келса, у малоикалардан яхшидир. Кимнинг шаҳвати ақлидан ғолиб келса, у ҳайвондан ҳам ёмондир».

Демак, диний масалаларда ақлнинг зарурати шаҳватларга берилиб, Аллоҳнинг ҳукмига қарши чиқиб қолишнинг ва бу билан Аллоҳнинг ҳузурида гуноҳкор бўлишнинг олдини олиш экан. Бу борада Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ушбу сўзларини доимо эслаб юришимиз лозим:

نَيِّمٌ لَّا يَطْلُبُ أَطْمَاقًا مَّقُولًا يَدْعُو إِلَى الْوَلَلِ الْوَلَلِ نَمَّ يَدْعُو زِيغَبُ هَاوَاهُ عَبَّتْ لِمَمْلُصًا نَمَّو

«Аллоҳдан бўлган ҳидоятсиз, ўз ҳавойи нафсига эргашгандан кўра ҳам адашганроқ кимса борми?! Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас».

(Қасос сураси, 50-оят).

Зуфаржон Шосалимов